

---

Хонариқда "Сектор раҳбари ва ёшлар учрашуви" ўтказилди

*Тошлоқ тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Абдуқаҳҳор Джурабаев "Хонариқ" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 20 нафарга яқин ёшлар билан учрашди.*

*Учрашув аввалида сектор раҳбари мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор, туманимиздаги ёшларнинг бугунги кундаги ташаббускорлиги, ижодкорлиги ҳақида фикр билдириб, туманимизда улар учун яратилган шарт-шароитлар, тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланиш истагини билдираётган фуқаролар, айниқса ёшларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳақида тўхталиб ўтди.*

*Шундан сўнг ёшларнинг мурожаатларини тингланди. Тадбир давомида ўндан ортиқ ёшларнинг мурожаатлари, таклифлари эшитилиб, 6 таси шу ернинг ўзида ҳал этилди. Ўрганиш ва муддат талаб этган мурожаатлар эса назоратга олинди.*

*Сектор раҳбари тадбир давомида ҳудуддаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечим топиши учун амалга оширилаётган тизимли ишлар ҳақида ҳам маълумотлар берди.*

2022-02-04 19:09:54